

## РАМЗЛАР ВА АТРИБУТЛАР ҲАҚИДА

*Бадиев Жамолiddин Зокирхонивич*  
Тошкент ислом институти талабаси  
+998950300393

**Аннататсия:** Аннататсия: Ушбу мақолада памзлар ва атрибутлар ҳақида, улар нима, уларни ўрни ва давлатлар ёки динларда уларнинг эътибори ҳақида сўз йуритилади.

**Калим сўзлар:** Ибтидоий, диний қараш, рамзлар, атрибутлар, ўғузлар, беланчак, наматак, масон, қизил ярим ой, қизил хоч.

Дунёда жуда кўп давлатлар, турлича динлар, қарашлар ва турлича яшаш тарзлари мавжуд. Ҳар бир ҳаёт тарзида жамият ва унинг атрофидаги муаммолари бошқаларга қараганда муҳимроқ ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз маънавий<sup>1</sup> ва моддий<sup>2</sup> бойликлари билан қудратли ҳисобланади.

Инсониятнинг архитектуравий фаолияти дунё тараққиётининг ибтидоий жамоа давридан бошлаб то ҳозирги давргача муттасил ривожланиб келган. Жамият ҳаётида диний қарашларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Чунки қайси жабҳага эътиборимизни қаратмайлик унда албатта диний қарашларнинг уйғунлик жиҳатига гувоҳ бўлаемиз.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин кўплаб соҳаларда илдам ўзгаришлар юз берди. Шу жумладан, тарихий ўтмишимиз ва у билан боғлиқ осори-атиқалар, нодир қўлёзма манбалар, бадиий асарларни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилди. Бу бойликларни қайта тиклаш ва келгуси авлодга етказиш масаласи вазифа қилиб қўйилди. Муқаддас динимизнинг архитектуравий обидалари устида изланишлар олиб бориб, улардаги ҳар бир белги ва гўзалликларни чуқурроқ ўрганиш, кенг омманинг хабардор қилишга ҳам эътибор қаратилди. Буларни санасак, улар устида қилинаётган ислохотлар кўплигидан санаб охирига етиб бўлмайди. Улардан эътиқодга қилинган, ёки эътибори жиҳатдан муқаддас ҳисобланган бир нечта атрибут ва рамзларга бир нечта мисоллар келтириб санаб ўтишга рухсат бергайсиз:

**Қора мол.** Қадимги Авесто<sup>3</sup> матнларида муқаддас ҳўкиз тимсоли тасвирланиб, унинг танасидан ҳар хил бошоқли экинлар ва шифобахш гиёҳлар, уруғидан эса фойдали жониворларнинг барча турлари тарқалганлиги ҳақида сўз юритилади. Фарбий Туркменистон ҳудудларида қадимги замонларда ясалган қора мол ҳайкалчалари учрайди. Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларида бронза ва илк темир даврларида қоя тошларга битилган ҳўкиз тасвирлари сақланиб қолган.

1

Маънавий бойлик ҳар бир миллат ёки элатнинг ота боболари томонидан ёзиб қолдирилган асарлар илм маърифат йўлида қайта ўрганилиши ва унинг асосида янги ўғалбаларнинг яратилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

<sup>3</sup> Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий бирлашмаси, -йил. –ж. 1.

**Кушлар.** Ривоятларга кўра ўзларини Ўғизхон авлодлари деб ҳисоблаган Оғиз ёки туркей ўғузлар ямонликлардан асровчи боболар тимсолини кушларда кўришган. Қирғий, бургут, лочин қарчиғай каби кушлар қабила аъзоларига Барака ва бахт олиб келувчи муқаддас жонзот ҳисобланиб, уларни отиш қатъиян ман этилган. Туркларда сув кушлари коинотнинг турли қисмлари осмон, ер ва сув орасидаги воситачи ҳисобланган. Қарғалидан топилган шаман аёлининг бош кийимини (милоддан аввалги II аср милоднинг I асри) ғоз ва оққуш патлари безаб турган. Қирғизистонда Сўнкўл атрофидаги қия тошларга ўйиб ишланган сувда сузувчи кушлар (балким ғозлар) галаси тасвири тушурилган. Қозоқ ва Қирғиз халқлари асотирларида муқаддас Умай<sup>4</sup> куш қиёфасида тасвирланади. Финнугор халқларининг қадимги турк қабилалари билан мустақкам тарихий алоқалари ҳар иккала халқнинг бир хилдаги кушларни муқаддас кучига ишонадилар. Шу сабабли кичик ёшдаги ўғил болалар ва қизчаларнинг бош кийимлари, бешик ва беланчакларини кушлар пати билан безайдилар. Ўрта Осиё ўтрок халқлари орасида қирғовул, товус, хўроз муқаддас кушлар деб саналган.

**Дарахтлар.** Ўрта Осиё ва Месопатамия маданиятлари ўртасида умумий ўхшашликлар кўп. Бу айниқса, сопол буюмлар, тупроқдан ясалган биноларда намоён бўлади. Маҳаллий анъанавий архитектурада гумбаз, кубба, арк каби ўзини ўзи ушлаб турувчи иншоотларнинг кенг тарқалишига Ўрта Осиёда дарахтларнинг камчилиги сабаб бўлган. Арча, чинор дарахтлари қадимдан муқаддас санаб келинган. Баъзан ҳар бир ғайри табиий дарахтларга сажда қилиш ҳоллари учрайди. Обект сифатида эъзозланган. Арча ва чинор дарахтлари жуда қадимдан муқаддас кучга эга обект сифатида эъзозланган. Ана шу дарахтлар ислом даврида авлиёлар мазорига айланган. Уларга қизлар ўз қалб сирларини айтиб, дарахт шохларига алам боғлаб, армонларини ушалишига умид қилганлар. Жанубий Туркменистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда чинор дарахти ғоят эъзозланади. Туркманлар чинор дарахтининг қуриган ш

Туркменистондаги Феруза воҳаси узунлиги қирқ метр келадиган “Етти ака-ука” чинори билан машҳур. Сайроби қишлоғидаги баҳайбат чинорнинг тўрт метрлик ковагида бир вақтлар ҳатто Мадраса жойлашган. Тошкент яқинидаги Брч мулла қишлоғида одатдан ташқари катта чинорни зиёрат қилишга келувчиларнинг кети узулмайди. Анор дарахтининг рамзи барака, рўсилдорликни ифода этади. Қадимги сопол буюмларда анхита мабудаси кўпинча анор меваси тимсолида тасвирланган. VI-VIII асрларда яратилган афросиёб нақшларида ана шу дарахт тасвирлари кўплаб учрайди. Ўрта Осиёнинг жанубий қисмидаги қишлоқлар аҳли анор биланнинг туғулишида кўмак беради деб ҳисоблайди. Ропокчи чевар аёллар анор дарахти тасвирини матога тўқиш жараёнида унинг Барака ва мўл ҳосил рамзи эканлигини ифода ўтмоқчи бўладилар. Тут дарахтига келсак, унинг шойи ишлаб чиқарилишида катта аҳамияти борлиги сабабли уни муқаддаслаштириш Хитойдан бошланган. Наматакни қадирлаш кейинги йилларда Тожикистоннинг бир қанча туманларида қайд қилинди. Янги йил арафасида уй эгаси наматакнинг бир бўғини шифтга осиб қўяди. Бу орқали улар келаси йил дон экинларидан мўл қўл ҳосил олиш имконини беради, деб ишонадилар. Исломгача бўлган даврда Хоразмда бефарзанд аёллар бола кўриш умидида таналарини дарахт суви билан хўллашган. Шундай қилиб, жониворлар ва ўсимликларга сажда қилишнинг илдизи минг йилликларга бориб қақалади. Кўзаларнинг ҳайвон тасвири билан безаш Евросиёдаги каби кенг тарқалган. Ҳайвонлар бошининг идиш устидан энгашиб турган ҳолда тасвирланиши идишдаги махсулотни ёвуз кучлардан асраб туради, деб ишонилган. Замонавий Ўзбек халқ сўзанасида ва

и

<sup>4</sup> Қадимги Турклар сиғинадиган маъбуда “Оила ва болалар ҳимоячиси”.

<sup>а</sup> Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий бирлашмаси, -йил. –ж. 1.

ё

қ

и

с

тожик миллий кийимларида ранг баранг, турфа ўсимликлар, қозоқ ва қирғиз гиламларида учрайдиган кўплаб ҳайвонларнинг тимсоллари фикримизнинг ёрқин мисолидир.

**Ой рамзи.** Султон Муҳаммад Фотих II (1432-1481 й) 19 ёшида Усмонли Турклар тахтига келгач, ўз салтанатини дунёни бошқарувчи давлат сифатида кўришни мақсад қилади ва ғарбга кўплаб юришлар уюштиради. 1453 йили у Константинопол (ҳозирги Истанбул)ни фатх этиш мақсадида катта кўшин тортади ва 7 апрель куни Константинополнинг атрофига етиб келиб уни хар томонлама ўраб олади. Жуда катта тўқнашувлар натижасида бир неча ҳафтадан сўнг султон кўшинлари 18 майдан 19 май кунига ўтар кечаси (ҳижрий 857 йил жумадул аввал ойининг биринчиси) мустахкам ҳарбий қалъаларини ёриб киради. 29 май кунига келиб Канистантинопол бутунлай ишғол этилди. Айни шу юришга Султон Муҳаммад Фотих II янги ой чиқишини (ҳилол)ни белги қилиб олади ва янги ой кўриниши билан Усмонли Турклар қалъага ҳужум қиладилар (бу ҳарбий жанг олиб бориш усулларида бири бўлиб, самараси жуда катта бўлган. Олов, овоз ёки шунга ўхшаш усуллар билан берилган ишора душман тамонни сезиб қолиш эҳтимолини оширган ва натижада янги ой чиқиши белги қилинган. Ҳилолни кўрган қасирнинг тўрт томонидаги кўшинлар баравар ҳужум қилишга эришганлар). Шаҳар Султон Муҳаммад лашкарлари тамонидан қўлга киритилгач, у ерга масжид курадилар. Насронийларнинг масжидлари тепасида ҳож белгиси бўлиб, бу насронийларнинг ибодатхонаси эканини билдириб турган (Авлиё София шу жумладандир). Шуни мулоҳаза қилган мусулмонлар масжид миноралари тепасига янги ой белгисини ўрнатадилар. Ҳар қандай киши энди бу жой мусулмонлар ибодат қиладиган маскан эканини осон англаб оладиган бўлдилар. Шундан сўнг ой мусулмонларда фатх белгиси, яхшилик келтирувчи рамз сифатида қаралади ва бу рамз кейинчалик кўплаб турк ва туркий меъморлар томонидан бошқа юртларга

о  
Шундай қилиб, ой рамзи мадраса ва масжид гумбазларининг тепасига исломнинг фатх белгиси сифатида қўйила бошланди. Бу ҳол Усмонли туркларининг қардошларига яъни бизга ва бошқа мусулмон ўлкаларга таркала бошлади.

**Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамияти.** Диний рамзларни асос бўлган ҳозирги бунда фаолият олиб бораётган ташкилотлар ҳам мавжуд. Мисол тариқасида “Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамияти”ни айтиб ўтишимиз мумкин. Бу ташкилот ташкил топганлигига 150 йилдан ошди. Бугунги кунда дунёдаги 188 та давлат Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро Федерацияси аъзоси бўлиб, ушбу давлатлар томонидан 1949 йил августдаги Женева Конвенцияси ва унга қўшимча 1977-2005 йилда имзоланган. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро Федерациясининг 165-тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. “Халқаро Қизил Хоч” ташкилоти асосчиси Анри Дюнан бўлиб, 1901- йилда инсоният олдидаги буюк хизматлари учун халқаро Нобел мукофотига сазовор бўлган. Масонларнинг тарихчиси Р. Денслоу, Дунантни Масонлардан деб ҳисоблайди. Анри Дюнан<sup>7</sup> масон бўлганлиги учун ҳам Халқаро Қизил Хоч жамиятига асос слоган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Қизил Ярим Ой жамияти 1925 йилдан буён фаолият юритаётган мазкур жамият 1992- йилда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти

---

<sup>7</sup>Хенри Дунант 1828 йил 8 майда Женевада туғилган. 1859 йилда у Солферино жангининг натижаларига гувоҳ бўлди - тўққиз минг одам касал ва яраланган, жанг майдонида ўлиб қолди. Унинг ҳаракатлари туфайли Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси тузилди ва 1864 йили куруқликдаги урушда ярадорларнинг тақдирини яхшилаш бўйича биринчи Женева Конвенцияси қабул қилинди. Унинг туғилган куни - 8 май - Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой куни сифатида нишонланади. Жан Анри Дюнан 1910 йил 30 октябрда Ҳайден шаҳрида (Швейтсария) вафот этди. 2006 йили у ҳақида "Хенри Дунант: Ду роуге сур ла кроих" филми намоиш этилди.

ҳақидаги» фармониға биноан мустақил инсонпарварлик жамоат бирлашмаси мақомиға эға бўлди.

Бугунги кунда «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой» ташкилотимизда 1 миллион 300 минга яқин ихтиёрий аъзолар ва 38 минг нафардан ортиқ кўнгиллилар рўйхатға олинган.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Ҳаракати инсонпарварлик, беғаразлик, бетарафлик, м

Ҳулоса ўрнида айтадиган бўлсак турли хил диний рамзлар инсонлар ҳаётида маълум бир аҳамият касб қилган аён бўлади. Чунки ҳаётимизнинг у ёки бу жабҳасини олиб қарасак, рамзларнинг бир кўринишининг гувоҳи бўламиз. Баъзи ҳолда рамзлар инсонларни ўзаро бир бирларидан фарқлаш(нарсонийлардаги диний рамз хоч ва мусулмонлардаги диний тимсол ой рамзи)ға хизмат қилса, базида бир эътиқод остидаги инсонларни бир-бирлари билан бирдамлик (Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой)қа чорловчи тимсол бўлиб намоён бўлади.

л

1. Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. –Тошкент:“Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий бирлашмаси, 2001-йил. –ж. 1.

2. [www.islamonline.uz](http://www.islamonline.uz)

3. [www.redcrescent.uz](http://www.redcrescent.uz)

г

н

н

ф

н

э

р

и

й

л

и

к

,

б

и

р

л

и

к

,

у

н

и

в

е

р

с

\_\_\_\_\_

§

[www.redcrescent.uz](http://www.redcrescent.uz)

л

и